

Қорақалпоғистонда 800 йилда қурилган қалъани биласизми?

2200 йилдан ортиқ тарихга эга бўлган Қорақалпоғистондаги Аяз қалъа қадимги Хоразмнинг энг мухташам қалъаларидан ҳисобланади. Қизилқум чўлининг чеккасида қурилган, унинг асосий мақсади минтақани кўчманчилар босқинларидан [ҳимоя қилиш бўлган](#).

Image not found or type unknown



Аяз қалъа – умуман олганда, Султон Увайс тоғ тизмасининг шарқий томонида жойлашган учта қалъа мажмуаси. Улар қарийб 800 йил давомида қурилган.

Аяз қалъа оҳактошли тепалигининг текислик қисмида жойлашган 180–150 м ўлчамдаги тўртбурчак шаклида бўлган ушбу қалъа атрофидаги аҳоли учун вақтинчалик бошпана бўлиб хизмат қилган. Милоддан аввалги IV–III аср бошларига оид бўлиб, у 2 та параллел девор ва оралиқда жойлашган арка шаклидаги йўлак билан ўралган.

Девор қуриб бўлингандан сўнг, мунтазам равишда ажралиб туриладиган 45 та минора қўшилди. Қадимги хоразм тилида оромий ҳарфлари ёрдамида ёзилган ёзув топилган.